Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
6 февраль
шанба
№ 19 (4459)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида **4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятида бўлди.**

* * *

Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Президент фармони билан **Хайрулло Бозоров Фарғона вилоятининг ҳокими** этиб тайинланди.

* * *

Зайниддин Низомхўжаев Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланди.

* * *

Мирзо-Улуғбек Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раислигига сайланган.

* * *

Феруза Эшматовани Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) этиб сайлаш тўғрисида Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

* * *

ЮНИСЕФ Ўзбекистонда болаларни ишончли иммун тизими билан таъминлашга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент вилояти **Оққўрғон тумани учун совуқлик занжирли қурилмани тақдим этди.**

* * *

Жиззахда қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш бошланди. Бу амалиёт биринчи бўлиб Зомин туманидаги «Jizzax Organic» чорвачилик кластер корхонасида қўлланилмоқда.

Сурхондарё вилояти

Олтинсой тумани «Жобу» маҳалласидаги 200 ўринли замонавий «Хўжаипок» санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси коронавирус пандемияси бошимизга кўп ташвишлар солиб турган кезларда – 2020 йилнинг баҳорида фойдаланишга топширилган эди. Ҳозиргача бу масканда 600 нафарга яқин киши ўз саломатлигини тиклади.

«ХЎЖАИПОК» – ҳайратлар маскани

Дунёда олтингугуртли сув билан муолажа олиб борадиган бешинчи сиҳатгоҳ бўлган бу масканда кардиологик, неврологик, таянч ҳаракат аъзолари, гинекологик, урологик, стоматологик каби қатор касалликлар билан хасталанганлар даволанади. Улар учун 20 дан ортиқ физиотерапевтик даволашга мослаштирилган замонавий тиббий ускуна, шунингдек, ЭКГ, УЗИ ва қон таҳлиллари учун лаборатория жиҳозларининг энг сўнгги русумлари ўрнатилган. Фитобар, ёпиқ бассейн мавжуд.

– Олтинсойда шундай маскан бунёд этилишини кўпдан бери орзу қилар эдик, – дейди касаба уюшма фахрийси Ҳумойиддин Шарафуддинов. – Тоғ ғорининг олтингугуртли шифобахш сувидан барҳаманд бўлиш, мўъжизали тоғ қўйнида дам олиб, мазмунли ҳордиқ чиқариш учун бу ерларга кўп бора келганман. Ўша пайтлардаёқ «Хўжаипок» ота зиёратгоҳи наинки мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, балки қўшни Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Россия давлатларидан келувчилар билан гавжум бўларди. Лекин етарли шароит йўқ эди. Сиҳатгоҳнинг барпо этилгани мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деган халқчил тамойилнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

– Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудидаги сиҳатгоҳни телевизорда кўриб, ҳавасим келган эди, – дейди Тошкент вилояти Қибрай туманилик Шерқул Шодмонов. – Мутахассисларнинг фикрича, тоғ ғоридан сизиб чиқаётган шифобахш олтингугуртли сув айнан мени безовта қилаётган таянч ҳаракат ва асаб тизимларимга яхши таъсир қилар экан. Буни муолажаларни ола бошлаганим ҳамон сездим. Ҳатто, тери-таносил, буйрак, жигар хасталикларига чалинган беморларнинг даво топганини кўриб, ҳайратим ошди. «Хўжаипок ота» зиёратгоҳи-ю, Сангардак шаршараларига саёҳатга бордик. Бугунги қиш кунларида ҳам бу ғўшадан мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмаётганини кўриб, беихтиёр ифтихор туйдим.

Ушбу сиҳатгоҳда дам олиб, соғликларини тиклашни мақсад қилиб келаётганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Сиҳатгоҳларда

Навоий вилояти

Навоийни ёд этамиз

Навоий вилояти Миллий гвардия бошқармасида буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Тадбирни бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник Содиқжон Мансуров очиб, Алишер Навоийнинг маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширган ишларига алоҳида тўхталди.

Мактаб ўқувчиларининг Навоий ғазалларига бағишланган чиқишларига уланиб кетган тадбир якунида жамоатчилик вакиллари ҳамда мактаб ўқувчиларига Миллий гвардия бошқармасининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан соҳада ишлаб нафақага чиққан 120 нафар фахрий ҳамда касаба уюшма фаолларининг Наманган-Қўқон-Риштон-Наманган йўналиши бўйлаб саёҳати уюштирилди.

Саёҳатчилар Қўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдаси, Ҳамза уй-музейи, Қўқон катта жомеъ масжиди, Риштон туманидаги бир қатор тарихий зиёратгоҳларда бўлишди.

Таълим соҳасидаги 30 нафар директор ва методист эса январь ойида «Чортоқ», «Косонсой», «Чимён», «Чинобод Плаза» сиҳатгоҳларида бепул даволаниб қайтишди. Бундан ташқари, февраль ойи учун яна 30 нафар ўқитувчига санаторийларда ҳордиқ чиқаришлари учун йўлланмалар берилди.

Лутфиддин ҒАНИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Сирдарё вилояти

«Қачонгача лой кечамиз?»

Гулистон туманидаги «Юлдуз-2» қишлоғи вилоят марказидан унча олис эмас. Қишлоқ аҳли шу сабаб юмуш билан тез-тез Гулистон шаҳрига боришади. Аммо йўл абгор бўлгани боис, транспорт анқонинг уруғи. Ўнқир-чўнқир, чанг-тўзон, лой-у балчиқ йўлда ким ҳам машинасини абгор қилишни истарди...

«Катталар-ку майли, айниқса, ёш болалар мактабга боришга қийналади. То катта йўлга чиққунча уст-боши лойга беланади. Шу боис, кўп ҳолларда оёқ кийимига салафан кийгизиб жўнатамиз. Бундай хароба йўлларда қачонгача лой кечамиз, ахир?», дейди қишлоқ аҳли.

«Юлдузча-2» қишлоғининг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Аҳоли дарахт шохларидан симёғоч ясаб, қишлоққа электр токи тортиб келган.

Албатта, қишлоқ аҳли муаммолар юзасидан тегишли жойларга кўп бора мурожаат йўллаган. Аммо уларнинг талаби «ўрнатилган тартибда кўриб чиқилган», холос.

«Юлдуз»ликлар қачонгача юлдуз санар экан-а, ҳайрон қоласан киши...

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Фототанқид

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 – қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Қашқадарё вилояти

Тажриба алмашишди

Ғузор туманидаги 77-давлат ихтисослашган мактаб интернатида янги сайланган касаба уюшма қўмитаси раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда етакчиларга «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун, бошланғич касаба уюшма ташкилоти Низоми ҳақида батафсил маълумотлар берилди. 77-ихтисослашган мактаб-интернати мисолида касабақўм хонасини жиҳозлаш, иш ҳужжатларини юритиш ва бошқа амалий ишлар билан яқиндан танишув уюштирилди.

Тажрибали етакчилар эса ёшларга ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди.

Насиба КОМИЛОВА,
Ғузор туманидаги 77-давлат ихтисослашган мактаб-интернати касаба уюшма қўмитаси раиси

Фарғона вилояти

Риштон чиннилари жаранги хорижда ҳам ҳамманинг ҳавасини келтиради

Касаба уюшма кўмагида

Риштон тумани усталари тайёрлаётган маҳсулотларнинг донғи етти иқлимга маълум-у машҳур. Риштонлик моҳир уста Расулжон Мақсудов ҳам устозларидан узоқ йил бу ҳунарни ўрганди. Вақти соати етиб ўзи мустақил иш бошлади ва «R.M.Korona» оилавий корхонасини ташкил қилди.

Янги оилавий корхонага, табиийки, молиявий кўмак жуда зарур эди. Расулжон касаба уюшмаларининг истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга кредит ажратаётганини эшитиб, пухта лойиҳа тузди. Сўнгра Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига тақдим этди. Лойиҳа билан танишгач, касаба уюшма вакиллари оилавий корхонани бориб кўришди. Тайёрланаётган чинни буюм маҳсулотлари уларга жуда маъқул тушди. Шу ернинг ўзида тадбиркорнинг ишини ривожлантириш учун 140 миллион сўм кредит ажратиладиган бўлди.

– Ажратилган маблағ эвазига Хитойдан 2 та янги замонавий технология олиб келиб ўрнатдик, – дейди Расулжон Мақсудов. – Энг асосийси, маҳсулотимизнинг тури кўпайди, сифати ошди. Аввал корхонамизда 20 нафар маҳаллий хотин-қиз ишлаган бўлса, эндиликда уларнинг сони 50 нафарга етди.

Айни пайтда корхонада 10 турдаги чинни буюм маҳсулотлари тайёрланмоқда. Уларга ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб катта. Корхона раҳбарининг айтишича, Тожикистон билан 100 минг АҚШ долларилик шартнома имзоланган.

– Бизга ҳафталик маош тўланади, – дейди 19 ёшли Наргиза Аҳмаджонова. – Мен бу даврда ишимга қараб 350-400 минг сўм оламан.

– Ишга кирганимга 3 ой бўлди, – дейди Наргизанинг онаси Нафисахон Абдуллаева. – Қизимга шогирд тушдим. Ҳозир пиёла, чинни, лаганларга гул чизяпман. Яратилган шароитларимиз яхши. Тушлигимиз бепул. Вақтида иш ҳақимизни оламиз. Яна бир яхши томони – бу ишхонамизнинг уйимизга яқинлигидир. Йўлкира қилмаймиз.

– Шу пайтгача уйда ўтирардим, – дейди Ҳилола Асқарова. – Қўшнилардан эшитиб келдим. Раҳбарга учрашгандим, эртадан иш бошлашим мумкинлигини айтди. Билмаганларимни ўргатишди. Уйдагиларни ҳам бошлаб келдим. Ҳозир эгизак Фотима-Зуҳра синглим, онам ҳам шу ерда ишлаяпти.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Ишчи гуруҳ фаолияти

Юзма-юз мулоқотлар шарофати билан

Саидакбар Абдураимов олган суратлар.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари давомида Миробод туманида шу пайтга қадар 336 та муаммо аниқланди, шундан 307 таси туман, 14 таси шаҳар, 15 таси республика даражасида ҳал этилиши белгилаб олинди. Туман даражасидаги 183 та масала белгиланган муддатларда ҳал этилди.

Юртимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқнинг турмушини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан шунга кўра мавжуд муаммоларни ўрганиш ва имкон даражасида амалий ёрдам бериш бугун мутасаддиларнинг асосий вазифасига айланди.

Тошкент вилоятининг 7 та шаҳри ҳамда пойтахт туманларидаги маҳаллаларда ижтимой-иқтисодий ва маиший масалаларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш, аҳоли ўртасида «Обод кўча» ва «Обод хонадон» мезонларини кенг тарғиб этиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллигида ташкил этилган ишчи гуруҳлар уйма-уй юриб, аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Бу борадаги ишларни Миробод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ишчи гуруҳ вакиллари томонидан мутасаддилар билан ҳамкорликда 560 га яқин хонадон ва 98 та кўп қаватли уй, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар, асосий ички йўллар ва бошқа масалалар ҳолати ўрганилмоқда.

Ишчи гуруҳ дастлаб «Банокатий», «Сарикўл», «Олтинкўл», «Қорасув», «Оқ уй», «Файзиобод», «Абдурауф Фитрат», «Фурқат», «Янги Замон» маҳаллаларида ўрганиш ишларини бошлади. Шундан сўнг «Мингўрик», «Ат-Термизий», «Мовароуннаҳр», «Ойбек», «Лолазор», «Шароф Рашидов» маҳаллаларидаги мавжуд муаммолар қайд қилтнди.

Муаммо ва камчиликларнинг зудлик билан бартараф этилишини таъминлаш мақсадида, вазирлик, идора ҳамда туманнинг соҳавий идора ва ташкилотларидан масъуллар белгиланиб, 75 та масала жойида ҳал этилди.

Юзма-юз мулоқотлар чоғида соғлиқни сақлаш соҳасига оид 62 та, моддий ёрдам сўраб 18 та, кадастр масалалари бўйича 8 та, бандлик масаласида 31 та, табиий газ, сув, канализация тизими билан боғлиқ 19 та муаммо мавжудлиги аниқланди. Кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларда аниқланган муаммоларнинг 217 таси ўз ечимини топди.

Қайд этиш жоизки, объектларда аниқланган муаммоларнинг аксари кўп қаватли уйларга тўғри келмоқда. Шу кунга қадар 75 та мурожаат бўлганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Шунингдек, 97 та тозаланадиган ва ободонлаштириладиган кўчалар, 37 та йўллар, таъмирланадиган кўча ва объектлар, 33 та электр таъминоти, 14 та эскирган электр симёғочлар, 5 та болалар майдончаси ва 19 та иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган.

РЕСПУБЛИКА ВА ШАҲАР ДАРАЖАСИДА

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давомида юзага чиққан шаҳар ва республика даражасида ҳал қилинадиган муаммолар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига таклифлар юборилди.

Масалан, «Қорасув» маҳалласи, Абдурауф Фитрат кўчасидаги қурилиши охиригача етказилмаган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси, «Қорасув» маҳалласи 2-муюлиш Фарғона йўли кўчасининг 12 000 кв.м, «Абдурауф Фитрат», «Фурқат», «Сарикўл» маҳаллаларидан ўтувчи Толимаржон кўчасининг 24 000 кв.м қисмини таъмирлаш, 4 нафар беморнинг жарроҳлик операцияларини ўтказиш мақсадида 110 миллион сўм маблағ ажратиш бўйича таклифлар юқори ташкилотларга юборилди.

Аҳоли таклифларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда маҳаллалардаги асосий ва ички йўлларга 7 та қўшимча белги ва пиёдалар ўтиш жойлари қўйилди.

ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА

Миробод туманининг «Фурқат», «Файзиобод», «Ойбек», «Қорасув», «Оқ-уй» маҳаллаларида яшовчилар ишчи гуруҳга кўчадаги дарахт шохлари ўсиб, электр симларига тегиб қолаётгани, бу эса вақт-бевақт электр узилишларига сабаб бўлаётганидан шикоят қилишди. Бу масала мутасаддиларга маълум қилинди. Кўп ўтмай «Тошшаҳарнур» корхонаси ишчилари дарахтларни бутаб чиқишди.

Қолаверса, кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган таъмирталаб йўллар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, «Оқ уй» маҳалласидаги Оқ билол ва Бишкент кўчаларидаги 7150 кв.м йўл асфальт қилинди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Туман тиббиёт бирлашмаси ва тегишли оилавий поликлиникалар томонидан ҳудуддаги 32 нафар беморга дори-дармон етказиб берилди, 17 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди ва 6 нафари даволаниш учун тиббий муассасаларга жойлаштирилди.

– Ҳозир 79 ёшдаман. Узоқ йиллар маҳалла раиси бўлиб фаолият юритганман, – дейди «Оқ уй» маҳалласида яшовчи Анвар Икромов. – Ишчи гуруҳ туманни ўрганишни бошлаганидан буён ҳам анча-мунча ўзгаришлар юз берди. Кўчамиздаги эски симёғочлар янгисига алмаштириляпти. Йўллар таъмирланди. Оилавий поликлиниканинг патронаж ҳамширалари кексалар, ногиронлар ва бетоблар ҳолидан хабар олиб туришибди. Кам таъминланганларга моддий кўмак кўрсатилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар учун ишчи гуруҳдан, шу ишга бош-қош бўлиб турган мутасаддилардан миннатдормиз.

«ОЛТИНКЎЛ»ДА ЯНГИ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

«Олтинкўл» маҳалласи ҳудудидаги кўп қаватли уйларда яшовчилар болалар майдончаси йўқлигини айтиб, фарзандлари учун шароит қилиб берилишини сўрашган эди. Туман ҳокимлиги ва мутасаддилар ҳамкорлигида қисқа фурсатда замонавий болалар майдончаси қуриб берилди. Ҳозирда ушбу майдонча гавжум.

СИМЁҒОЧЛАР АЛМАШТИРИЛДИ

«Сарикўл» маҳалласидаги ўз муддатини аллақачон ўтаб бўлган эски симёғочлар маҳалла аҳлини ташвишга солиб келарди.

– Икки йилдан буён маҳалламиздаги эски симёғочлар масаласида мурожаат қилмаган жойимиз қолмади ҳисоб, лекин амалда ҳеч қандай натижа бўлмади, – дейди «Сарикўл» маҳалласида яшовчи Муҳаббат Бобожонова. – Ишчи гуруҳ аъзоларига юзага келган муаммони айтдик. Уларнинг аралашуви билан тўрт кун ичида маҳалладаги саккизта эски симёғоч олиб ташланди.

Сирасини айтганда, ҳеч бир масала эътибордан четда қолаётгани йўқ ва бу аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

ТАРОЗИ ПАЛЛАСИНИ ТЕНГ ТУТИБ

Беш қўл баробар эмас. Бироқ касаба уюшма қўмитаси етакчиси ҳаммани бирдек кўриши керак. Раҳбарми у, оддий ходимми, муаммоларини тинглай олиши ва то ечими топилгунча тиниб-тинчимаслиги лозим.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси Умиджон Ортиқов мана шу тамойилга ҳар доим амал қилади. У бошланғич ташкилотлар етакчилари билан кунда, кунора хабарлашиб туради. Касабақўм раисларидан ҳар бир мурожаатни, у оғзакими, ёзмами, қайд этиб боришни сўрайди. Ва албатта, кўтарилган масалаларнинг ечимида кўмаклашади.

Хусусан, 13-давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи бўлиб ишлайдиган Дилноза Йўлдошева фарзанди анчадан бери бетоблиги, даволатишга қурби етмаётганини билдириб, мурожаат этганди. Бу учун зудлик билан зарур бўлган маблағ ажратилди. 3-ўрта умумтаълим мактабининг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Фурқат Қурбонов бир неча ойдан бери муолажа олаётгани боис, унга ҳам моддий кўмак кўрсатилди. Матлуба Тўхтаева 20 йилки, 17-давлат мактабгача таълим ташкилотида ёрдамчи тарбиячи бўлиб ишлайди. Ўғли ва қизини шартнома асосида ўқитаётган онанинг оилавий шароитини ҳисобга олиб, шаҳар кенгаши ҳисобидан унга ҳам моддий ёрдам берилди.

Маълумки, жорий йилдан эътиборан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги ўртасида имзоланган қўшма қарорга кўра, илғор педагоглар, мактаб директорлари ҳамда ХТБ мудирлари ҳамда методистлари республикамизнинг энг яхши сиҳатгоҳларида бепул соғломлаштирилмоқда. Шунга кўра, Шаҳрисабз шаҳридан 29 нафар педагогни имтиёзли дам олдириш режалаштирилган бўлиб, яқинда 5-умумтаълим мактаби директори Бахтиёр Самиев ва 7-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб интернати раҳбари Бахтиёр Хуррамов «Қашқадарё соҳили» санаторийсида ҳордиқ чиқаришди.

– Таълим муассасасида 31 йилдан буён ишласам-да, бирор марта санаторийга бормагандим, – дейди Бахтиёр Самиев. – Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Умид Ортиқовга бу борада мурожаат қилгандим, касаба уюшмалари сиҳатгоҳларига бепул йўлланма берилаётганини айтиб, кўнглимга чироқ ёқиб юборди. Санаторийда мароқли дам олдик. Асабларим ва қон босимим жойига тушди. Оёғим оғирди, бу дарддан ҳам қутулдим. 57 ёшимда менга шундай имкониятни берган касаба уюшмаларига раҳмат!

– Жамоамизда 63 нафар ходим меҳнат қилади, – дейди интернат директори Бахтиёр Хуррамов. – Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Машраб Хайруллаев тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши билан биргаликда кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оила вакилларини мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келади. Мана яқинда интернат қоровули, иккинчи гуруҳ ногирони Зокир Хўжаевга касаба уюшма совғаси берилди. Шунингдек, ишда фаоллик кўрсатган ходимларимиз ҳам рағбатдан четда қолишмаётир.

Ҳа, булар эътироф этса арзирли тадбирлар. Ҳудуддаги 60 та бошланғич ташкилот ва уларда уюшган 3400 нафардан зиёд ходим ўзининг ҳуқуқ ва имтиёзларидан кенг фойдаланиб келаётир.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Ҳуқуқ

Оққўрғон туманида истиқомат қилувчи Шермуҳаммад Саидумаров Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўзининг ҳуқуқлари бузилаётганидан арз қилиб, мурожаат қилди. Унинг шикояти Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари томонидан ўрганилди.

РАҲБАРНИНГ ХОҲИШИ СУД ҚАРОРИДАН ҲАМ УСТУНМИ?

ёхуд таълим тизимида ноқонуний ишдан бўшатишлар нега кўпаймоқда?

Шермуҳаммад Саидумаров Оққўрғон туманидаги 78-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг меҳнат фани ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Аммо у билан тузилган меҳнат шартномаси мактаб-интернат директорининг 2020 йил 5 августдаги 97-сонли буйруғига биноан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра бекор қилинган.

Хўш, сабаб нима? Ушбу буйруқ қанчалик асосли? Мутахассислар дастлаб шунга эътибор қаратишди.

Аслида иш берувчи ўз ходимини Меҳнат кодексининг 102-моддаси талабига кўра икки ой олдин огоҳлантириши керак эди. Қолаверса, у касаба уюшма раисининг розилик хатисиз, қарор қабул қилинмасдан вазифасидан озод этилган.

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ш.Саидумаровнинг манфаатларини кўзлаб, 2020 йил 17 сентябрда судга мурожаат қилди.

> ***Фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг 2020 йил 9 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ушбу даъво ариза қаноатлантирилиб, директорнинг 2020 йил 5 августдаги 97-сонли буйруғи ғайриқонуний, деб топилди ва бекор қилинди, ходим ўз лавозимига тикланиши кўрсатилди. Иш берувчидан ходим фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи сифатида 20 773 994 сўм ундириш, ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш ва ҳақ ундириш қисми дарҳол ижрога қаратилиши белгиланди. Лекин...***

Аввалига, мактаб-интернат раҳбарияти суднинг ушбу ҳал қилув қарори ижросини турли баҳоналар билан бажармади. Орадан салкам бир ой ўтгачгина, Ш.Саидумаров 2021 йилнинг 5 январь куни ўз лавозимига ишга тикланди. Бироқ...

– Мажбурий бекор юрган кунларим учун иш ҳақи сифатида белгиланган маблағ ҳалигача тўланганги йўқ, – дейди Ш.Саидумаров. – Бу ҳақда бир неча маротаба туман мажбурий ижро бюросига хабар бердим. Лекин улар ана олиб берамиз, мана олиб берамиз билан ишни пайсалга соляпти. Бу ҳам камдек, мактаб директори менга нисбатан турли босимлар ўтказмоқда. Ҳатто мени бўшатиш ҳақида огоҳлантириш хати ҳам чиқаришга улгурди. Унда Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан икки ойдан сўнг бўшатилишим ҳақида гап боради...

Келинг, масаланинг моҳиятига чуқурроқ кирайлик. Нега раҳбар Ш.Саидумаровни ишдан бўшатмоқчи? Уни бўшатишдан кўзланган мақсад нима?

– Фуқаронинг мурожаатини жойига чиқиб, ўргандик, – дейди бирлашма етакчи юристконсульти Фаридун Нафасов. – Мактаб раҳбарияти ва ходимлар билан суҳбатлашдик. Ш.Саидумаров ҳақида директордан бошқа барчанинг фикри ижобий. Кўпчилик унинг жонкуярлигини қадрлайди. Ҳатто, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарининг айтишича, Ш.Саидумаров 5 январь куни ишга чиқиши билан қозонхонани ўз ҳисобидан таъмирлашини билдирган. Болаларнинг совуқда ўтиришига шунчаки қараб туролмаган. Лекин директор бунга розилик бермаган.

Яна савол туғилади: синфхоналарни ўқитувчилар ҳисобидан таъмирлатиш амалиёти қачонгача давом этади? Ахир, бу ишлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилмайдими?

Назаримизда, масаланинг тугуни шу ерда ечиладигандек...

Энди эса Оққўрғон туманидаги 78-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг раҳбарига эътибор қаратамиз. Ҳидоят Мадаминова. Ушбу муассасага 2020 йилнинг ёз фаслида директор бўлиб тайинланган. Аввал Зангиота тумани халқ таълими бўлими мудири вазифасида фаолият юритган. 2018 йилнинг август ойида Жиноят кодексининг 210-моддаси билан айбланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинган. Кейин эса мазкур муассасада раҳбар сифатида иш бошлаган... Масаланинг бу жиҳатини таҳлил қилишга эса шошилмаганимиз маъқул. Зеро, бу алоҳида ва чуқурроқ ўрганиш лозим бўлган ҳуқуқий масаладир.

– Охирги пайтда халқ таълими билан боғлиқ мурожаатлар, айниқса, ноқонуний тартибда бўшатилган ходимлар билан боғлиқ ҳолатларга тез-тез дуч келяпмиз, – дейди Фаридун Нафасов. – Айни вақтда яна уч нафар ўқитувчининг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритдик. Ажабланарлиси, ушбу ҳолатларнинг барчаси сўнгги ярим йилда содир бўлмоқда. Яна ҳам тааж-жубланарлиси, асоссиз равишда ишдан бўшатилган ўқитувчи ва раҳбарларнинг ўрнига касбига доғ туширган одамларнинг тайинланиши... Бу масалани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам чуқурроқ ўрганиши керак, назаримизда...

> ***Хуллас, Тошкент вилоятида таълим соҳасида ечилиши керак бўлган муаммолар ва жавобини кутаётган саволлар кўп... Устоз ва мураббийларнинг қадрини юксалтириш деганда уларнинг маошини ошириш билан бирга, табиийки, жамиятдаги маънавий нуфузи ҳам назарда тутилади. Бунинг учун эса таълим тизимида ҳалол инсонлар ишлаши керак.***

Дарвоқе, яқинда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига янги раҳбар тайинланди. Зора, кўпчиликка ғалати туюлаётган ўйинлар, таниш-билишчилик, коррупция ҳолатларига чек қўйилса...

Мавзуга яна қайтамиз...

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Оғриқ тишлар...

Оқдарё туманидаги Қоратери қишлоғи ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб бораётган манзиллардан бири. Кейинги йигирма йилда юздан зиёд турар-жой, янги кўчалар барпо этилди. Аҳоли кўпайди.

«ЗАНЖИРЛИ РЕАКЦИЯ»

ёхуд қўлбола симёғочлар машмашаси

Шу билан бирга инфратузилмаси кундан-кунга ривожланаётган қишлоқда қатор муаммолар бўй кўрсатгани ҳам бор гап. Хусусан, бу ерда аҳоли 90-йилларда бунёд бўлган тўртта кўча ва битта тор кўчада истиқомат қилмоқда. Энг катта муаммо эса электр токи таъминоти билан боғлиқ.

– Бирорта кўчага рисоладагидек симёғочлар ўрнатилмаган, камига 80 дан зиёд хўжалик битта симёғочга уланган, – дейди қишлоқда яшовчи Ҳаётбек Қурбонов. – Натижада тизимда кучланиш хавфи ортгандан ортиб бораётир. Қўлбола уланишнинг хавотирли жиҳати шундаки, тўртта кўча бўйлаб қурилган уйлар, бўғотлар устидан тортилган симлар фуқаролар ҳамда бинолар хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шамолда симлар узилиши, бир-бирига эшилиб, ўт чақнаши оддий ҳолга айланган. Баъзи ҳовлиларда осилиб турган симларни ёш бола ушлаб олса нима бўлади!? Аҳоли бу масалани неча йиллардан буён кўтарса-да, негадир, ўзгариш йўқ. Тажжубланарлиси, туман электр тармоқлари корхонаси масъуллари қайси юрак билан бу ҳолатга бефарқ қараб келяпти экан?! Гарчи симёғочлар бўлмаса ҳам барча хонадонларга электр ҳисоблагичлар ўрнатилган. Аҳоли фойдаланган электр токи учун ўз вақтида ҳақ тўлаб келмоқда.

– Симёғоч йўқлиги учун икки кўча наридан қўлбола трауларга уланиш орқали электр симини тортиб келганман, – дейди Саид Отамуродов. – Баъзида симлар зўриқишдан узилиб кетади. Шунда қўни-қўшнилар ўртасида «симингни ол», деган жанжаллар авжига чиқади. Бахтимга биз сим тортган биринчи уй қайнотам Ҳусан Қопчоқовники. Тасаввур учун тушунтирай: қайнотамнинг уйига Али Ҳасанов уланган. Ҳасанов хонадонидан Мамат Мавлонов тортган. Мен Мамат аканинг уйидан ток оламан. Буёғи «Занжирли реакция». Бизнинг уйимиз охирги «қулоқ». Қўни-қўшнилар менга симингни кўтар дейишга ботина олмайди. Маҳалламиздаги барча хонадонлар шундай. Симёғочдан эмас, ҳамсоялардан ток олишади.

Шамолда силкиниб турган қўлбола симёғочларга илинган электр симларига кўз ташлаб, юрагинг увишади. Мана шу тахлитда умргузаронлик қилиб келаётган аҳолининг сабр-бардошига қойил-е!

– Иложимиз қанча, – дейди Амин Мардонов. – Бундан 20 йил бурун биринчилардан бўлиб маҳалланинг шу қисмига кўчиб чиққандим. Қўл калталик қилиб, турли ёғоч ва дуч келган нарсаларга боғлаб электр токи тортган эдим. Шундан буён атрофда юзга яқин уй қурилди. Ҳозиргача ҳамма ана шу қўлбола ускуналаримдан фойдаланади. Бировнинг юзи, бировнинг кўзи иссиқ, деганларидек борини баҳам кўряпмиз. Ишқилиб, «лампочка»ларимиз қизариб туради.

ҲУДУД АҲЛИ ТУМАН МУТАСАДДИЛАРИГА, ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА ҚАТНАБ, ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ПОЙАБЗАЛЛАРИНИ АДО ҚИЛИШГАНИНИ АЙТИШДИ. БУ МАНЗИЛЛАРНИ РИСОЛАДАГИДАЙ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ХОМЧЎТЛАРГА ҚАРАГАНДА 80 МИЛЛИОН СЎМ АТРОФИДА МАБЛАҒ КЕТАР ЭКАН. ОДАМЛАР ШУ ПУЛНИ ЙИҒИБ БЕРИШГА ТАЙЁР, ЛЕКИН УЛАРНИНГ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШНИ БЎЙНИГА ОЛАДИГАН БИРОР МУТАСАДДИ ЙЎҚ.

Ҳудуд аҳли туман мутасаддиларига, электр тармоқларига қатнаб, қанчадан-қанча пойабзалларини адо қилишганини айтишди. Бу манзилларни рисоладагидай электрлаштиришга хомчўтларга қараганда 80 миллион сўм атрофида маблағ кетар экан. Одамлар шу пулни йиғиб беришга тайёр, лекин уларнинг муаммосини ҳал этишни бўйнига оладиган бирор мутасадди йўқ. Муаммо йиллар давомида «газаклаб» ётишининг яна бир сабаби – туман электр тизими раҳбарларининг тез-тез алмашишидир. Биз «Янгировот» МФЙ ва туман электр тармоқлари раҳбарлари билан учрашишга интилдик. Иккала мутасадди ҳам юмуш билан чиқиб кетган экан. Телефон орқали Оқдарё тумани ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарига боғландик.

– Вилоят электр тармоқлари корхонасида мажлисдаман, – деди тизим раҳбари Шавкат Хўжанов. – Қоратери қишлоғидаги муаммодан хабарим бор. Уларга бошқа трансформаторга (қишлоқнинг у четидаги, фермер даласига хизмат кўрсатаётган) улаб беришим мумкинлигини айтганман. Аммо кўчаларга симёғоч тортиш имкони йўқ. Бу катта харажат. Мен янгиман, бошлиқ бўлиб тайинланганимга бир ой бўлди. Балки 2022 йил режасига киритармиз.

Мутасаддининг гапи шу. Қоратериликлар яна бир-икки йил тишини тишига қўйишга тўғри келади, шекилли. Шунда ҳам бевосита туман ҳокими раҳбарлик қилаётган 1-сектор ҳудудидаги бу қишлоққа мутасаддиларнинг назари тушса, албатта...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Анжуман

ШИРКАТЛАР ФАОЛИЯТИ

талаб даражасидами?

Хоразм вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ўрганди. Афсуски, ўрганишлар натижаси киши дилини хира қилади. 19 та ширкатнинг молиявий ҳолати оғир, 31 тасиники ҳаминқадар ва 32 тасиники яхши аҳволдалиги аниқланган. Таҳлил натижалари асосида оғир аҳволдаги ширкатлардан 8 таси негизида бошқарув ташкилоти тузиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар тегишли қарорлар қабул қилган.

Ўюштирилган матбуот анжуманида шулар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Умуман, вилоятда 1 396 та кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлиб, ушбу уйларда 30 520 та хонадан жойлашган. 1 168 та кўп қаватли уй-жойга 82 та уй-жой мулкдорлари ширкати, 5 та бошқарув компания, «Таъмирлаш хизмати» ДУК ҳамда «Ягона ҳисоб-китоб маркази» ДУК хизмат кўрсатиб келмоқда. 2017-2020 йилларда 52,2 миллиард сўм миқдорида банк кредити, 30,9 миллиард сўм республика бюджети ҳамда 4,6 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 982 та кўп квартирали уй таъмирдан чиқарилган. Куз-қиш мавсумини беталофот ўтказиш мақсадида режа асосида 163 та кўп квартирали уйда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Шунингдек, 12 та уйнинг ертўласи ички муҳандислик тармоқлари янгиланган, 135 та кириш йўлаги таъмирланган, 176 та кириш йўлагига темир эшиклар ва кодли қулфлар ўрнатилган. 5,4 минг.м2 уй олд йўлагига бетон қопламаси ётқизилган.

– Коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш бўйича электрон ҳужжатни шакллантириш, ширкатлар ва бошқарув компанияларининг молия-хўжалик фаолияти ҳолатини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи «Обод уй» ахборот тизими жорий этилди, – дейди Хоразм вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Даврон Аллақулиев. – «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУКлар негизидаги «Тез коммунал хизмат» сервислари томонидан 20 дан ортиқ хизмат турлари таклиф қилинмоқда. Ўтган даврда уларга келиб тушган 366 та мурожаат асосида 466,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

«Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК тасарруфидаги қозонлардан 128 таси маънан эскирган, 37, 2 километр иссиқлик тармоғи муддатини ўтаб бўлган. Уларни босқичма-босқич замонавий тежамкор қозонларга ва ёрдамчи ускуналарга алмаштириш чоралари кўрилмоқда.

Анжуманда жорий йилда амалга оширилиши белгиланган бошқа чора-тадбирлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Иқтисодий билим

ИПОТЕКА БОЗОРИДА «НЕМИС МОДЕЛИ»

Афзаллиги, қулайлиги ҳамда самараси нималарда акс этмоқда?

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

Мамлакатимиз аҳолиси 1991 йилда 20,6 миллион кишидан иборат бўлса, ҳозирда 34 миллион нафардан ошди. Ўсиш суръатини янги қурилаётган оилалар сонида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2000-2006 йилларда йилига 155 мингдан 208 мингтагача оила таркиб топган бўлса, 2007-2019 йилларда бу кўрсаткич 254 мингдан 311 мингтага кўтарилди.

Демографик кўрсаткичларининг муттасил ошиб бориши ҳамда аҳолининг иқтисодий ҳолати нисбатан барқарорлашуви натижасида турар жойларга бўлган талаб ортиб бормоқда, албатта. Шу боис, уйсозлик соҳасини ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш ўта муҳим вазифага айланди.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжат кучга киргунга қадар тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс маблағ деярли мавжуд бўлмаган. Шу боис, банкларнинг уй-жойлар қурилишини молиялаштириш ва аҳолига ипотека кредитлари ажратиш имкониятлари чекланган эди.

Қарор ижросини таъминлаш учун Молия вазирлиги тижорат банкларига иммиёзли шартларда узоқ муддатли ресурс маблағлар ажратди ҳамда 2017-2019 йилларда шаҳар ва қишлоқларда кўплаб уй-жойлар қурилиб, 100 мингдан ортиқ оила иммиёзли ипотека кредитлари асосида уй олди.

Уч йилга мўлжалланган Давлат дастури доирасида тижорат банклари аҳолига 20 йил муддатга 15 триллион сўм иммиёзли ипотека кредитлари берди. Дастлабки 5 йил давомида кредит 7 фоиз ставкасида, қолган йилларда эса Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига асосан белгиланди.

Тижорат банкларининг ипотека кредит портфели 2016 йилда 7-8 триллион сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда ипотека кредитларининг қолдиғи 25,1 триллион сўмдан иборатдир. Ипотека кредитларининг 70 фоиз қисми давлат дастурига мувофиқ ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, ипотека бозорини фақатгина давлат дастурлари доирасида паст фоизли ресурс маблағлари ҳисобига ривожлантириб бўлмайди. Бунда бозор тамойиллари асосидаги янги кредитлаш тизимларининг жорий этилиши муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони уй-жой таъминотидаги баъзи масалаларга оқилона ечим бўлди. Гап шундаки, бунгача асосан эҳтиёжманд қатлам вакилларини иммиёзли равишда уй-жой билан таъминлашга урғу берилган бўлса, эндиликда аҳолининг барча қатлами тижорат шартларида ипотека кредитлари олиши мумкин. Бундан ташқари, кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга дастлабки бадалнинг бир қисми ёки кредит фоизларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидиялар берилиши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ипотека бозорида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, замонавий методлардан фойдаланиш, ўзини-ўзи молиялаштирувчи ёки маблағларнинг айланиш тезлиги юқори бўлган янги кредитлаш тизимларини жорий этиш давр талабига айланмоқда.

Масалан, кўпгина Европа давлатлари мазкур соҳада немис модели, яъни «Баушпаркасса»дан фойдаланади. Қозоғистонда эса бу модель 2005 йилдан буён амалда ва бугунги кунда аҳолига ажратилаётган ипотека кредитларининг 60 фоизи у орқали амалга оширилади.

НЕМИС МОДЕЛИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Авваламбор, модел ишлаши учун иқтисодиёт барқарор ва инфляция минимал даражада бўлиши зарур. Унда аҳоли уй-жой олиш учун уй-жойнинг 50 фоиз миқдорига тенг суммани 3-5 йил давомида ойма-ой банкда жамлаб бўлгач, қолган 50 фоиз қисмига ипотека кредитини олади. Бунда фуқаронинг банкдаги омонатига инфляция даражасидан паст бўлмаган ставкада фоиз ҳисобланади. Шу билан бирга, маълум бир фоиз банк ва қолган қисми давлат бюджетидан қопланади.

МОДЕЛНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Ушбу амалиёт давлатнинг ипотека учун йирик миқдорда маблағ йўналтиришини кескин қисқартиради. Шу билан бир қаторда хорижий молия институтларидан олинадиган кредит йўналишлари бўйича келгусидаги валюта курси бўйича хатарлар, бу билан боғлиқ харажатлар ҳам камаяди. Аҳоли маблағларини банкка жалб қилиш орқали ипотека бозорини молиялаштиришда самарали тизим жорий этилади.

Бунинг учун уй-жой қурилиши бўйича 5 йиллик дастур аниқ белгиланади ҳамда ҳар йилда қайси жойда қанча миқдорда уй-жой қурилиши аниқ кўрсатилади. Бундан ташқари, уй-жой баҳоси доимий назорат остида бўлади.

ИЖТИМОИЙ ИЖАРА НИМА?

Маълумки, ҳаммада ҳам уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал жамлаш ва кредит тўловларини тўлаш имконияти йўқ. Ушбу тоифага мансуб инсонларни бошпана билан таъминлаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уй-жойлар қуриб, уларни ижтимоий ижарага бериш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Оғир ижтимоий ҳолатдаги кишилар учун ижтимоий ижара уйларининг ойлик тўлови, дейлик, 300-500 минг сўм атрофида бўлади. Муқим, даромадга эга бўлганлар эса йиллар давомида бадал маблағларини жамлаши ва ипотека кредитлари орқали уй-жойга эга бўлишлари мумкин.

Шу каби самарали моделлардан фойдаланиб, ипотека кредитлари ажратиш, аввало, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи янгиликларни амалга татбиқ этиш пировардида давлат ва жамиятнинг иқтисодий фаровонлигини оширади. Мақбул нархда тақдим қилинган замонавий уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий ижарага бериладиган турар жойлар барпо этилиши жамиятда аҳолининг ипотека бозорига нисбатан ёндашув ва қарашлари ўзгаришига олиб келади.

Банк ахборот хизмати

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Анвар қори ҳақида биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналида Қуръони Карим таржимаси босилаётган кезлари кўп яхши гаплар эшитганман. Университетнинг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тугаллаган Анваржон исмли ёш йигит журнал ходимлари билан бирга бу улуғ ишни амалга оширишга ҳисса қўшаётгани ўша кезлари қулоққа ҳайратланарли эшитиларди.

ЭРТА ГУЛЛАГАН БОҒНИНГ ТУГАНМАС МЕВАЛАРИ

Анвар қори Турсунов маънавий оламига чизгилар

Кейинроқ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да «Жума ўгитлари» рукни остида диний одоб-ахлоққа оид туркум мақолалар эълон қила бошлаганимизда у киши таҳририятга қўнғироқ қилиб, «бу кўп савобли иш» учун бизга самимий миннатдорлик билдирган эди.

Янада кейинроқ Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасида бўлиб ўтган бир тадбирда, хотира маросимларида, ижодкор зиёлилар даврасида, китоблар тақдимотида Анваржоннинг ёқимли чиқишларини эшитиб, воизлик санъатидан ғойибона сабоқ олдим. Донишманд йигитнинг бирор йиғинда иштирок этишини эшитсам, у ерга албатта, борадиган бўлдим. Китобхонлик ҳақида сўзлаётганида, улуғ алломалар меросидан ҳайратланарли мисоллар келтираётганида ёки Алишер Навоийдан, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби устозлардан мисралар ўқиётганида, олдиндан тайёрлаб қўйган қоғоз-қаламни қўлга олишга одатландим.

Бир йиғинда орқароқда ўтирган баъзи ёшлар маърузага қулоқ тутмай, тоқатсизланаётганини сезган Анвар қори суҳбат мавзусини мулойимлик билан ўзгартирди. Сўзлаш ва тинглаш, эшитганлардан хулоса чиқариш одоби хусусида «Қобуснома»дан гўзал мисоллар келтирди.

Ёндафтаримда: «Қобуснома», 7-боб», деган ёзув пайдо бўлди. Уйга келиб, китобнинг шу бобини очдим: «Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни қўлингдан келса), сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур... Ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин».

Анвар қорининг сўзлари ҳар гал ўз харидорини топарди.

Бир суҳбатда ортиқча ҳою ҳавасга берилиб, камтарликни унутган, кибр-у ҳаво кўчасига кирган, зиёд мол-мулкка эга бўлса-да, уни янада кўпайтириш васвасасига тушган, фарзандлари тарбиясини унутган кишилар ҳақида гапирар экан, ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисрасини таъсирчан қилиб ўқиб берди:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

Мазмуни: **Арус** – келинчак, қаллиқ; **забун** – таслим, мағлуб; **золи маккор** – алдоқчи кампир, ялмоғиз. «Бу дунёнинг ҳою ҳаваслари кўзингга ёш ва чиройли келинчакдай бўлиб кўринади. Эй Навоий, бу маккорага тағин алданиб қолма: аслида, у ёш ҳам эмас, чиройли ҳам эмас, балки юзига ниқоб тутиб олган бир алвасти».

Бошқа бир йиғинда ёш адабиётшунос олимнинг Навоий шеъриятида кўпмаънолик ҳақидаги фикрларини давом эттириб, қуйидаги сатрларни чиройли шарҳлаб берди:

Бош қўяй, дедим оёғи туфроғига. – Деди: «Қўй».
Бўса истаб лаъли рангин сўрдим эрса, деди: «Ол».

Академик Абдулла Аъзамовнинг шарҳи: «Бу – Навоийнинг ғоят гўзал ҳазил-мутойиба байтларидан бири. Ундаги ийҳом санъатининг бетакрор намунаси ҳар ўқиганда кишини ҳайратга солаверади: **«Қўй»** деган жавоб икки маънога эга – а) «Ҳа, майли, қўй; б) «Йўқ, бу ниятингдан қайт (кеч)». **«Ол»** жавоби уч маъноли: а) «Рангини сўраяпсанми? Ол, яъни қизил»; б) «Ҳа, майли, олақол»; в) «Бу хомтама сўзингни қайтиб ол».

Анвар қори фаол китобхон, бадиий идроки баланд, илми ҳавасли, одоби намунали уламоларимиздан бири эди. Йиғилган жамоатнинг касб-корига қараб, вақт ва шароитга мослаб маъруза қиларди. Баъзи воизларимиз каби ҳаддан ташқари кўп гапирмасди, нутқи қисқа, ортиқча «зеб-зийнат»дан холи, ҳамма учун тушунарли иборалардан иборат бўларди. Фикрини ҳаётий мисоллар ёрдамида баён қилишга одатлангани ҳам ибратомуз эди. «Ҳар оқшом улуғ алломаларимизнинг асарларини варақлаб, улардаги дур-гавҳарлардан баҳраманд бўламан», дерди ва тингловчиларни ҳам шунга даъват этарди. Шоир ёки ёзувчиларимизнинг таваллуд кунлари бўлиб қолса, уларнинг асарларини ўқиб, қисқа нутқини жонли мисоллар билан безай оларди. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг дафн маросимида Анвар қори бу устоз шоирнинг гўзал шеърларидан бирини ўқиганида йиғилганларнинг кўзига ёш келганини эслайман.

Жаноза маросимларида баъзан ноқулай ҳолатлар ҳам юз бериб туради. Бадиий адабиётимизни ўзининг гўзал тарихий романлари билан безаган устоз адибларимиздан бирининг жанозасида масжид имоми «Бу биродаримиз жуда кўп шеър ёзган экан», деди. Бошқа бир жанозада саккиз фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб, ҳаммаларини олий маълумотли қилган муаллима онахон ҳақида ёш имом бир оғиз гапирмади, таҳорат қоидаларидан сўзлай кетди. Юрак ютиб, ҳар иккала имомга бу ҳолатдан таажжубланганимни айтдим. Анвар қори бундан хабар топган экан, бир йиғинда: «Аҳмаджон ака, имомларимиз ичида тажрибасизлари ҳам бор, тўғри танбеҳ берибсиз, бизга ёрдам қилибсиз», деди. Кўнглим жойига тушди.

Анвар қори насиҳат одоби ва меъёрига ҳамиша амал қиларди. Бир мунозарада бадиий адабиётдан узоқроқ биродаримиз томдан тараша тушгандай, Навоий ҳазратлари ғазалларида «май» сўзининг ҳаддан ташқари кўп ишлатилганини айтиб, истеҳзо қилди. Ўнғайсиз ҳолат юзага келди. Анвар қори дили ранжиса-да, бу ҳолни юзага чиқармай, «май» тушунчаси рамзий маънода эканини ётиғи билан тушунтириб, кўп мисоллар келтирди.

Бошқа бир гал маънавият тарғиботчиларидан бири Навоий тилини тушуниш анча мураккаблигини айтган эди, Анвар қори жўшиб кетди. – «Тўғри, мураккаблиги бор, аммо Сиз озроқ ҳаракат қилинг, эътибор билан ўқинг, жуда яхши тушунасиз. Мана эшитинг:

Чун рақибимга рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,
Найлай ўлмайким, ҳабибимга ҳабиб ўлмиш рақиб.
Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузиб.

Анвар қори муқаддас динимизнинг қатъий ҳукмлари ҳақида сўзлаётганида ҳам замон ва маконни, аудиторияни ҳисобга оларди, Исломнинг буюк маърифатини ёйишдан, унинг мангу ғолиблигини эътироф этишдан чарчамасди.

«Халқимиз ҳазрат Навоий асарларидаги асл мазмун-моҳиятни истиқлол қуёшининг нурлари боис тўлиқ англаб етмоқда. Ҳазратнинг ҳар бир асари Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти, бемисл сифатларининг мадҳи ила бошланган, – деб ёзади у улуғ шоирнинг «Муножотнома» асари шарҳига ёзган сўзбошисида. – Ҳар бир асар бошидан охиригача Қуръони Карим маънолари билан суғорилган. Ҳадиси шариф кўрсатмалари билан йўғрилган. Шунинг учун Қуръони Карим таълимоти ва Ҳадиси шариф йўриқномаларини билмай туриб, Навоий оламига асло кириб бўлмайди».

Алишер Навоийнинг «Имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак каромат ва мақомотлари бор», деган улуғ эътирофига сазовор бўлган Юсуф Ҳамадонийнинг мукаммал илми ва намунали хулқ-одобини кўриб, неча минг мажусий ислом динини қабул қилган экан. Анвар қорининг одоб ва меъёр доирасидаги таъсирчан маърузалари, матбуотимизда эълон қилинган мақолалари, телевидениеда намойиш қилинган маънавий сабоқлари, хусусан, Рамазон туҳфалари изсиз кетмаганига ишончим комил.

Поляк адиби Ян Парандовский «Сўз кимёси» асарида одамларда ёзувчилик майллари ва қобилиятининг уйғониши ва кутилмаганда булоқ каби қайнаб тошиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ижодкорнинг туғилиши кишини лол қолдирувчи улуғ ҳодисадир. Бу жуда қудратли, айниқса, шоирларда биринчи муҳаббатга ўхшаб кишини бутунлай чулғаб оладиган кечинмалар билан боғлиқ бўлади. Шоирлар эрта гулга кирадилар. Баъзан улар ўттиз ёшларигача айтадиган нарсаларининг ҳаммасини айтиб, берадиганларини бериб бўладилар...».

Анвар қори диний уламо, ижодкор зиёли, маърифат тарғиботчиси сифатида эрта гуллади, қисқа умри давомида кўнгил боғларимизни йиллар ўтгани сари ширасы ўткирлашиб борадиган маънавий мевалар билан безаб кетди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Маънавият

Инсон руҳияти шифоси

«Чинобод» санаторийсида буюк мутафаккир боболаримиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобурнинг бой маънавий меросига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар «Инсон руҳияти шифоси» шиори остида ўтмоқда. Бир неча босқичда кўрик-танлов, шахмат, шашка мусобақалари ҳам уюштирилди.

Иштирокчилар Навоий ғазалларининг инсон руҳиятига қанчалар кўтаринкилик бахш этиши, кишини комил инсон бўлишга ундашини ўз чиқишлари билан исботлашди.

– Навоийга бағишланган мушоира кечасида касбимдан фахр туйиб, ўзимни соғайгандай ҳис қила бошладим. Гўёки барча муолажалар Навоий ғазалларида мужассамдек, – дейди «Энг яхши ғазал учун» номинацияси ғолиби Навоий вилояти 15-мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Марям Ражабова.

Шахмат баҳсида 1-ўрин Самарқанддан келган дам олувчи Мақсуджон Исмоиловга насиб этган бўлса, шашка бўйича баҳсларда қашқадарёлик Муҳиддин Азизовнинг қўли баланд келди.

Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» АЖ «Маънавият ва маърифат кенгаши» масъул котиби

Эълонлар

Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги (собиқ Ҳамза тумани) 206-умумтаълим мактаби томонидан 2002 йилда Тургунова Маликахон Мамасалиевна номига берилган O'R-Z №1413964 рақамли шаҳодатнома йўқолгани маълум қилинади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2015 йилда Назарова Дилноза Сатторовна номига берилган В №811369 рақамли диплом (рўйхат рақами: 410/15) йўқолгани маълум қилинади.

С.Х.Сирожиддинов номидаги физика математика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати томонидан 1991 йилда Рахимов Илхом Давронович номига берилган А 237983 (рўйхат рақами 13) рақамли шаҳодатнома йўқолгани маълум қилинади.

Афсонага айланган ҳақиқатлар

ёхуд Турон йўлбарси ҳақида нималарни биламиз?

Табиат ва инсон

Дунёда энг охирги Турон йўлбарси 1970 йилларда, Қорақалпоғистонда эса 1957 йилда отиб ўлдирилган. Ҳозирда эса Турон йўлбарсининг фақат қотирилган нусхасини Қорақалпоғистон маданияти ва тарихи музейида кўриш мумкин.

Дунёда 7 та йўлбарс тури мавжуд: амур, хитой, суматра, ява, баш, ҳинд (бенгал) ва турон. Турон йўлбарси Амур йўлбарсидан кейин иккинчи ўринда турадиган энг йирик йиртқич ҳисобланган. Унинг узунлиги 180-280 сантиметр, думи 90 сантиметр, салмоғи эса 220-300 килограмм атрофида бўлган. Бу ҳайвон 1940 йилларга қадар Оролбўйининг асосан Амударё дельтасидаги тўқайзорларда, чангалзорларда, қалин қамишзорлар орасида яшаган.

Турон йўлбарси одамга биринчи бўлиб ташланмайди, яраланганда ёки қувғинга учрагандагина ҳужум қилиши мумкин. Сувда яхши сузади, овга фақат қоронғу тушганда чиқади. У ўз ўлжасини узоқдан туриб 4-5 метргача сакраб, сездирмасдан, жуда эҳтиёткорлик билан тутган. Уйқуси қаттиқ бўлиб, 1 ёки 1,5 суткагача давом этади. Йўлбарснинг ҳайқириғи февралнинг 2-ярмидан март ойи бошларига қадар эшитилиб турган. Айнан шу даврларда улар жуфтлашиш мавсумини ўтказган. Бўғозлиги 95-112 кунга қадар кечган. Икки йилда бир маротаба болалаган. Йўлбарслар 40-50 йил умр кўрган.

Қорақалпоқларда йўлбарс мардлик ва адолатнинг рамзи сифатида баҳоланган. Фольклорда ҳам, ёзма адабиётда ҳам у ижобий образ сифатида тасвирланади. Ҳанузгача қорақалпоқ қишлоқларида йўлбарслар қабристонларни зиёрат қилганини кўрган, эшитган кишилар бор. Йўлбарс қабристонга келганда ҳеч ким уйидан чиқмаган. Йўлбарснинг иккинчи номи шердир. Кимдир тўсатдан учраб қолса, «шерим, шерим» деб юпатган. Ривоятларда айтилишича, йўлбарс одамга ҳужум қилмоқчи бўлганда, «шерим, шерим, менга эмас, ойга чоп» дейишган.

Қорақалпоғистонда йўлбарсларнинг бош сони 1920-30 йилларда 70 та бўлгани ҳолда, 1940 йилларга келиб 20 тага камайиб кетган. 1942 йилда 12, 1947 йилда 6 таси қайд қилинган. 1935 йилдан 1950 йилгача 11 та йўлбарс отиб ўлдирилган. Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон ҳудудида Турон йўлбарси 1957 йилгача яшаган.

Россияда чоп қилинадиган «Военный сборник» журналининг 1871-йилги сонида шундай воқеа ҳақида сўз юритилади: Оролбўйида яшайдиган Шахан исмли киши овга кетган бир тунда йўлбарс ўтовга кириб боласини ўлдириб, хотинини қамишзорга судраб кетади. Эрталаб воқеадан воқиф бўлган қишлоқ аҳли қуролланиб, қон изидан бориб, тилка-пора бўлган мурдани топади. Қаттиқ куюнган Шахан бир нечта йўлбарсларни йўқ қилади.

Архив ҳужжатлари бўйича, 1880 йилда Орол ёқасидаги қишлоқда ўтин йиғиб юрган бир аёлни йўлбарс еб қўйган. Худди шундай Перовский гарнизони офицери ҳам чипор йиртқичга ем бўлган.

Мазкур расмдаги йўлбарс ови 1894 йилда Чимбой туманида содир бўлган. Унда қайд этилишича, маҳаллий аҳоли талабига кўра Туркистон губернияси Амударё бўлимининг махсус батальон аъзолари Турон йўлбарсини йўқ қилган.

Йўлбарсларни ёппасига қириб ташлаш ана шундай воқеалардан сўнг бошланган бўлса, ажабмас.

Нима бўлганда ҳам, ёвузликларни биринчи бўлиб, одамзоднинг ўзи бошлаган. Оқибатда эса ажойиб жонзотни бугун фақат музейлардагина кўрмоқдамиз.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ *(таҳрир ҳайъати раиси),*
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
Темур МАМАЖОНОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),*
Меҳриддин ШУКУРОВ *(Масъул котиб – «Ishonch»),*
Валентина МАРЦЕНЯК *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилди – **21:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 206.** **30621** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130